Ким аррофга бориб, ундан бирор нарса ҳақида сўраса, унинг намози қирқ кеча қабул бўлмайди», дедилар

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи аёлларидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким аррофга бориб, ундан бирор нарса ҳақида сўраса, унинг намози қирқ кеча қабул бўлмайди», дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аррофга боришдан қайтардилар. Арроф – Ҳар хил ишларни қилиб ғайб илмини даъво қиладиган коҳин, мунажжим, фолбин ва шу кабиларнинг номи. Ғайб ишларидан сўраши билан Аллоҳ уни қирқ кун намозининг савобидан маҳрум қилади. Шу, катта гуноҳга қўл урганининг жазосидир.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5986